

РЕСПУБЛИКА ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИДА ЁҒ-МОЙ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ТУРЛАРИ

К.Б.Уразов – СамИСИ, “Бошқа тармоқларда
бухгалтерия ҳисоби ва аудит”
кафедраси профессори, и.ф.д.

Б.Ф.Боронов – СамИСИ, докторант

Аннотация: Ушбу мақолада озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ-мой маҳсулотларининг ўрни, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда тайёр маҳсулотларнинг турлари, таркиби масалалари ёритилган.

Калим сўзлар: озиқ-овқат саноати, ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналари, ёғ-мой маҳсулотлари, ўсимлик ёғи, тайёр маҳсулотлар ҳисоби.

Аннотация: В данной статье описаны роль масложировой продуктов в составе пищевых продуктов, виды и состав готовых продуктов в масложировых предприятий.

Ключевые слово: пищевая промышленность, предприятия по производству масложировой продуктов, масложировая продукция, растительное масло, учет готовой продукции.

Abstract: This article describes the role of fat and oil products in the composition of food products, the types and composition of finished products in oil and fat enterprises.

Key words: food industry, enterprises for the production of oil and fat products, oil and fat products, vegetable oil, accounting of finished products.

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари таркибида ёғ-мой маҳсулотлари асосий ўрин эгаллайди. Чунки, халқимиз азалдан уй-рўзгорлари тўкин-сочин, тўй-марака маросимлари дабдабали ва таомларга бой тарзда ўтишига ўрганган бўлиб, бу жараёнлар озиқ-овқат маҳсулотларига, айниқса ёғ-мой маҳсулотларига бўлган талабнинг ошишига олиб келади.

Ёғ-мой маҳсулотлари озиқ-овқат маҳсулотлари сифатида фойдаланилишидан ташқари бошқа саноат маҳсулотлари ишлаб чиқишда, тиббиёт, фармацевтика ва косметология соҳаларида кенг фойдаланилади. Жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳисобланган кир совун, атир совун, техника мой, алик, глицерин, стеарин ва бошқа шу каби саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда асосий хом ашё маҳсулотлари бўлиб ҳисобланади. Корхоналарда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқишда асосий маҳсулотлардан ташқари, турли ёндош ва бошқа қўшимча маҳсулотлар, жумладан шрот, кунжара, шелуха каби маҳсулотлар ҳам олинади. Ушбу қўшимча маҳсулотлар саноатнинг турли тармоқларида асосий хом-ашё маҳсулотлари ҳисобланади. Масалан, пахта шроти ва шелухаси ёғ-мой ишлаб чиқариш корхонасида пахта чигитидан ишлаб чиқариладиган ёндош

маҳсулот тури ҳисобланиб, чорвачилик соҳасида чорва ҳайвонларининг асосий озукаси ҳисобланади.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналарининг 80 тасида ўсимлик мойи, 38 тасида маргарин маҳсулотлари, 25 тасида майонез, 94 тасида хўжалик ва атир совун ва 3 тасида дистилланган глицерин маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Шунингдек, ушбу корхоналар томонидан жами 60 хил турдаги 200 тадан ортиқ ассортиментдаги ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқарилади¹. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётганган ушбу маҳсулотлар «Ёғ-мой маҳсулотлари хавфсизлиги тўғрисида»ги техник регламент талабларига тўлиқ жавоб беради.

Бугунги кунда, “Ўзёғмойсаноат” уюшмаси таркибида фаолият кўрсатаётган ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида қуйидаги турдаги ўсимлик ёғлари ишлаб чиқарилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ёғ-мой саноати корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ўсимлик ёғи турлари²

№	Ёғ-мой маҳсулотлари турлари	Асосий хом ашё	Ёғнинг таркибий тузилиши	Ишлаб чиқариш усуллари ва босқичлари
1. Кунгабоқар ёғи				
1.1	Рафинацияланмаган биринчи навли кунгабоқар ёғи	Кунгабоқар	100% кунгабоқар ёғи	Пресслаш
1.2	Гидратацияланган биринчи навли кунгабоқар ёғи			Пресслаш, гидратация
1.3	Рафинацияланган биринчи навли кунгабоқар ёғи			Пресслаш, рафинация
1.4	Рафинацияланган дезодорацияланган биринчи навли кунгабоқар ёғи			Пресслаш, рафинация, дезодорация
1.5	Экстракцияланган рафинацияланган дезодорацияланган биринчи навли кунгабоқар ёғи			Экстракция, рафинация, дезодорация
1.6	Рафинацияланган дезодорацияланган музлатилган олий навли кунгабоқар ёғи			Экстракция, рафинация, дезодорация, музлатиш
2. Соя ёғи				
2.1	Гидратацияланган биринчи навли соя ёғи	Соя	100 % соя ёғи	Пресслаш, гидратациялаш
2.2	Рафинацияланган биринчи навли соя ёғи			Пресслаш, рафинация
2.3	Рафинацияланган			Пресслаш,

¹ <https://yogmoy.uz/uz/page/view?slug=uusma-tarihi>

² Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси.

	дезодорацияланган биринчи навли соя ёғи			рафинация, дезодорация
2.4	Экстракцияланган рафинацияланган дезодорацияланган биринчи навли соя ёғи			Экстракция, рафинация, дезодорация
3. Махсар ёғи				
3.1	Гидратацияланган биринчи навли махсар ёғи	Махсар уруғи	100 % махсар ёғи	Пресслаш, гидратация
3.2	Рафинацияланган махсар ёғи			Пресслаш, рафинация
3.3	Рафинацияланган дезодорацияланган махсар ёғи			Пресслаш, Рафинация, дезодорация
3.4	Экстракцияланган рафинацияланган дезодорацияланган махсар ёғи			Экстракция, рафинация, дезодорация
4. Зиғир ёғи				
4.1	Рафинацияланган дезодорацияланган биринчи навли зиғир ёғи	Зиғир уруғи	100 % Зиғир ёғи	Пресслаш, рафинация, дезодорация
4.2	Рафинацияланган дезодорацияланмаган биринчи навли зиғир ёғи			Пресслаш, рафинация
5. Ер ёнғоқ ёғи				
5.1	Рафинацияланган дезодорацияланган биринчи навли ер ёнғоқ ёғи	Ер ёнғоқ	100% ёр ёнғоқ ёғи	Пресслаш, рафинация, дезодорация
5.2	Рафинацияланган дезодорацияланмаган биринчи навли ер ёнғоқ ёғи			Пресслаш, рафинация
6. Маккажўхори ёғи				
6.1	Рафинацияланган маккажўхори ёғи	Маккажўхори уруғи	100 % макка-жўхори ёғи	Пресслаш, рафинация
6.2	Рафинацияланган дезодорацияланган макка жўхори ёғи			Пресслаш, рафинация, дезодорация
7. Данакли ёғлар				
7.1	1. Шафтоли ёғи	Шафтоли	100% шафтоли ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.2	2. Қовоқ ёғи	Қовоқ	100% қовоқ ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.3	3. Кунжут ёғи	Кунжут	100% кунжут ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.4	4. Ёнғоқ ёғи	Ёнғоқ	100% ёнғоқ ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.5	5. Қовун ёғи	Қовун	100% қовун ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.6	6. Олхўри ёғи	Олхўри	100%	Пресслаш,

			олхўри ёғи	махсус филтрлаш
7.7	7. Узум ёғи	Узум	100% узум ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.8	8. Бодом ёғи	Бодом	100% бодом ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.9	9. Седана ёғи	Седана	100% седана ёғи.	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.10	10. Рапс ёғи	Рапс	100% рапс ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
7.11	11. Ўрик ёғи	Ўрик	100% ўрик ёғи	Пресслаш, махсус филтрлаш
8.Пахта ёғи				
8.1	Рафинацияланмаган пахта ёғи	1,2,3,4,5-сорт чигит	Қора пахта ёғи	Пресслаш
8.2	Рафинацияланган пахта ёғи	Қора пахта ёғи	Тозаланган пахта ёғи	Пресслаш, рафинация
9.Аралаш ёғлар				
9.1	“Палов ёғи” – пахта ёғи билан ўрик ёғи аралашмаси (50:50)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган ўрик ёғи	50% пахта ёғи, 50% ўрик ёғи	Аралаштириш
9.2	“Палов ёғи” – пахта ёғи билан шафтоли ёғи аралашмаси (50:50)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган шафтоли ёғи	50% пахта ёғи, 50% шафтоли ёғи	Аралаштириш
9.3	“Палов ёғи” – пахта ёғи билан узум ёғи аралашмаси (50:50)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган узум ёғи	50% пахта ёғи, 50% узум ёғи	Аралаштириш
9.4	“Палов ёғи” – пахта ёғи билан бодом ёғи аралашмаси (50:50)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган бодом ёғи	50% пахта ёғи, 50% бодом ёғи	Аралаштириш
9.5	“Ўзбекистон ёғи” ўсимлик ёғи - соя ёғи билан бойитилган пахта ёғи (70:30)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган соя ёғи	70% пахта ёғи, 30% соя ёғи	Аралаштириш
9.6	“Барака” ўсимлик ёғи – махсар ёғи билан бойитилган пахта ёғи (50:50)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган махсар ёғи	50% пахта ёғи, 50% махсар ёғи	Аралаштириш
9.7	“Барака ёғи” – махсар ёғи билан бойитилган пахта ёғи (70:30)	Тозаланган пахта ёғи, тозаланган махсар ёғи	70% пахта ёғи, 30% махсар ёғи	Аралаштириш

Тадқиқотлар натижасида айтишимиз мумкинки, аҳоли эҳтиёжини қондирадиган даражада етарлича ёғ-мой маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун корхоналар олдида энг аввало, ишлаб чиқариш технологияларини модернизациялаш орқали меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашёларнинг юқотишларини камайтириш ҳисобидан тайёр маҳсулот миқдори ҳамда сифатини ошириш, асосан хорижий давлатларда етиштириладиган хом ашёларни мамлакатимизда етиштиришни йўлга қўйиш орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантириш каби вазифалар ишлаб чиқишнинг заруриятини келтириб чиқармоқда.

Юқорида келтирилган заруриятлардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, бугунги кунда корхоналарда ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича муаммоларнинг ҳал қилиниши Республикамизда ёғ-мой ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга, уларда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришга, шунингдек бошқарув қарорларини тўғри қабул қилишга имкон бериб, ҳисоб ва ҳисобот олдидаги вазифаларни ҳал қилишга кўмаклашади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТ

1. O'Ktamovich, P. L. X., & Boxodirovich, E. F. (2022). RAQAMLI IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA BUXGALTERIYA HISOBNI O'RNI. *Journal of marketing, business and management*, 1(2), 120-124.
2. Po'Latov Xudoyberdi, O. K. (2022). BUXGALTERIYA HISOBIGA RAQAMLI TEXNOLOGIYALARNI JORIY ETISH YO'LLARI. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 37-40.
3. Пўлатов, Х. Ў. (2021). ACCOUNTING ACCOUNTS IN WHOLESALE ENTERPRISES. *Экономика и социум*, (4-2), 318-323.
4. Пўлатов, Х. Ў. (2021). DIRECTIONS TO IMPROVE TURNOVER ACCOUNTING IN ENTERPRISES OF DIFFERENT ACTIVITIES. *Экономика и социум*, (5-2), 186-189.
5. Shirinov, U. (2017). The ways of accounting over telephone communication services in the existence of billing systems. *TRANS Asian Journal of Marketing & Management Research (TAJMMR)*, 6(2and3), 23-31.
6. Shirinov, U. (2020). ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY: SIGNIFICANCE AND ADVANTAGES. *International Finance and Accounting*, 23.
7. Abduxalilovich, S. U., & Azamat o'g'li, B. A. (2021, March). IMPROVEMENT OF ACCOUNTING OF INCOME FROM COMMUNICATION SERVICES. In *Euro-Asia Conferences* (Vol. 3, No. 1, pp. 108-111).
8. Shirinov, U. A. (2018). TELERADIO XIZMATLARINI KO'RSATUVCHI SUB'EKTLARDA HARAJATLAR HISOBI. *Turizm ilmiy-amaliy elektron jurnali*, 1(1), 96-100.
9. Uchkun, S., & Dilshod, N. (2022). PROCESS OF IDENTIFYING THE SIGNIFICANT ACCOUNTS IN THE REVENUE CYCLE. *Journal of marketing, business and management*, 1(1), 32-36.
10. Ширинов, У. А. (2019). Телефон хизматларидан олинадиган даромадлар ҳисобини такомиллаштириш. *Интернаука*, (2-2), 83-85.
11. Ширинов, У. А. (2019). Учет расходов в субъектах оказывающих услуги телерадио. *Интернаука*, (5-2), 19-21.
12. Худайбердиев, Н. У., Ширинов, У. А., & Алибоев, А. (2021). РЕСУРС СОЛИҚЛАРИ АУДИТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *Интернаука*, (7-2), 94-97.
13. Ширинов, У. А. (2021). IMPROVING INCOME ACCOUNTING IN COMMUNICATION ENTERPRISES. *Мировая наука*, (7), 93-97.
14. Baxromovich, U. K. (2021). Risk Assessment and Internal Control System in Audit. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 7, 1-5.
15. Keldiyorqizi, U. S. (2021). The role of international audit standards on the audit of oil and gas companies in Uzbekistan. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(3), 1346-1351.